



нием торговых и иных контактов. Городская литература находилась в сложных взаимоотношениях с фольклором, и именно в фольклоре следует искать литературные прототипы образа «аййара». Связью с фольклором во многом определяются особенности городской литературы, которая, кроме всего прочего, позволяет судить о смеховом мире средневекового арабского города,

Литературно-историческая типология в применении к изучению средневековых лите-

ратур в ряде случаев позволяет одновременно и соразмерно рассматривать две главные проблемы всякого исторического литературоведения: народную оригинальность и международную общность каждой изучаемой литературы. Литература и фольклор всех народов и государств средневековья возникали и развивались в постоянном широком общении, обогащая друг друга в целом за счет присутствия каждому из них в отдельности национальных достоинств.



БОБУРИЙЛАР ДАВРИ ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИРЛАРИ

НИЗОМИДДИНОВ НАЖМИДДИН

Филология фанлари доктори, ТИУ

Аннотация. Мазкур мақола бобурийлар даврида яшаб ижод этган, мамлакатдаги туркий ва форсий билингвизм адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган иккитилли шоирлар ижодида бағишланган. Бу маънода Ҳиндистон кутубхоналаридан топилган Байрамхон, Мирзо Комрон, Юсуф Фарёбий ва Абдурахимхонлар девони юқоридаги фикримизга яққол далил бўлиб хизмат қилади.

Таянч сўз ва иборалар: зуллисонайн, ҳиндавий, «забан-и урду», «браз-туркий», «ўрда-урду», бҳактий, дахлия, дўҳа.

Аннотация. Данная статья посвящается литературному наследию двуязычных поэтов Индии времен правления Бабуридов, которые оказали плодотворное влияние на развитие тюрко-персидского билингвизма в литературной жизни данной страны. В этом смысле диваны Байрамхана, Мирзы Камрана, Юсуфа Фаряби и Абдурахимахана, найденные в книгохранилищах Индии, являются ярким доказательством вышесказанного.

Опорные слова и выражения: двуязычие, хиндави, «забан-и урду», «браз-тюркски», «орда-урду», бхакти, дахлия, доха.

Abstract: This article is devoted to the literary heritage of bilingual poets of India lived during the ruling of Baburids, who had significant influence on the formation of the Turkic-Persian Bilingualism in literary life of the country. In this regard, the diwans of Bayramkhan, Mirza Kamran, Usuf Faryabi and Abdurakhim Khan discovered in manuscript funds of India could be an absolute proof of above mentioned.

Keywords and expressions: bilingualism, Hindavi, “Zaban-I Urdu”, “Braj-Turkic”, “Orda-urdu”, Bhakti, dakhliya, doha.

Бобур билан ёки ундан кейин Ҳиндистонга келган қалам аҳли орасида икки ва ҳаттоки уч тилда ижод этувчи шоирлар бўлган. Шунингдек, сарой ва бошқа давлат идоралари мулозимлари ичида ҳам етук зуллисонайн шоирлар фаолият кўрсатган.



Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, ушбу мавзу жараёнининг рамзи сифатида, ман-тиқан, дастлаб сўзни бевосита Бобурнинг ўзидан бошлаган маъкул. Зеро, бу борада тахт соҳибининг кўрсатган шахсий мисоли бошқа ижодкорлар учун илҳом манбаи бўлган бўлса ажаб эмас. Бироқ, бу фикрнинг исбот-далили учун бироз мозийга, яъни ҳинд ва мусулмонлар учун ўз даврида умумий муомала воситаси бўлган урду тили тарихига мурожаат қилишга тўғри келади.

Маълумки, “Ҳинд бадиияти боғи”ни араб, форс, туркий тиллари лексикаси кириб келиши билан вужудга келган урду тили адабиётисиз тасаввур қилиш, уни ўзидаги энг “ширин мевалари”нинг биридан бебаҳра этиш билан баробар. Урду тили тарихини ўрганувчи тилшунослар ўртасида унинг қачон ва қаерда келиб чиққанлиги борасида ҳали ҳам айрим фарқлар мавжуд. Хусусан, Моҳан Лал Видяртҳи ёзишича, туркийнинг “ўрда” сўзидан ибтидо олган “урду тили”, аслида ғарбий ҳинд диалекти бўлиб, унда дастлаб Дехли музофотларида сўзлашилган ва XVIII асрдан бошлаб бу тил нисбатан тез орада шимолда тарқалган¹.

Иккинчи бир таниқли ҳинд адабиётшуноси Сайид Эҳтишом Ҳусайн хулосасига кўра, “Бобурийлар саройи ва қўшинлари жойлашган ерларда доим катта бозорлар бўлган. У ерларда ўзаро ҳинд ва мусулмонлар орасида “забан-и урду” номли омихта тил истифода этилган. Фақат XVIII асрдан “урду” сўзи махсус тил номида ишлатилган”. Ҳолбуки, XII ва XIII асрларда мамлакатдаги сўфийлар аҳоли билан нафақат форс ёки араб тилида, балки улар билан маҳаллий тилларда ҳам мулоқат қилганлар. Ҳинд тилшунослик адабиётида урдунинг тил сифатида тарқалишида Амир Хусрав Дехлавийнинг ҳам арзигулик хизматлари бўлганлиги қайд этилган. Бунга ҳинд манбаларида келтирилган қуйидаги шоир сўзлари гувоҳлик бериши мумкин:

“Мен ҳинд тўти қушиман, агар сиз ҳақиқатан ҳам, мендан бирор нарса сўрамоқчи бўлсангиз, у ҳолда менга “ҳиндавий”да мурожаат қилинг, шунда мен сизга ғаройиб нарсалар ҳақида маълумот бераман”.

Қисқаси, зуллисонайн шоирлар мавзуи муқаддимасида мухтасар урду тили тарихига мурожаат қилишимизнинг асл сабаби, бу – қуйидаги Бобур қаламига мансуб икки мисра шеър омилидир. Чунки қарийб тўрт йил мобайнида айрим маҳаллий тил ва шевалардан бохабар бўлган Бобурнинг “браж-туркий” ёки гоҳо “урду-туркий” ҳам деб юритилган тилда ширу шакар услубида ёзган фарди, салтанатда эътиборга тушган урду тили ва адабиётининг келгуси равнақиға рамзий бир ибтидо эди:

منجھ کونہ ہوا کچھ ہواسی مانگ و موٹی
فقر الیغ بس بولسہ پانی و روٹی

*Менга на дур, на гавҳар ҳавас эмасдир,
Фақир аҳлиға нону сув бўлса басдир.*

Гарчи бобурийлар даври зуллисонайн шоирлари деганда асосан туркий ва форсийгўй ижодкорлар назарда тутилса ҳам, Борур мисолида кўрганимиздек, урду ва хатто, бевосита бражбҳаша тилларида қалам сурган шеърят соҳиблари ҳам бўлган. Аммо аввал, бобурийлар даврида аксариятни ташкил қилган туркигўй ва форсийгўй шоирлар ижоди ҳақида мухтасар маълумот.

Байрамхон

Бу хусусда бобурийлар давлати ва маданий ҳаётида фаол иштирок этган Байрамхон шахсияти ва шеърятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сабаби, “Байрамхоннинг туркий каби форс тилидаги ашъори ўз салмоғи билан XVI аср адабиётида шубҳасиз мустаҳкам ўрин эгаллайди”. Байрамхон

¹ Mohan Lal Vidiarthi. Indians culture trough the ages. – Kanpur, 1952. – P. 431.



тил ва жанр соҳасида ғоятда кенг диапазонли ижодкор эди. Покистонлик олим Муҳаммад Ҳасан Сиддикий хабар беришича, у форс ва туркий тилларидан ташқари ҳиндийда ҳам ёзган. Адиб, яна шунингдек, шеърятда қатор мумтоз сўз санъаткорлари асарларига ўзи “дахлия” деб атаган – ички қўшма мисралар киритиш каби услубнинг ҳам устаси бўлган¹.

“Дахлия” бўйича Р.Иномхожаев рисоласида келтирилган маълумотга кўра, бу услуб асосида у ёки бу шоир шеъри мазмунига ҳеч қандай таъсир кўрсатилмаган ҳолда, унинг матни таркибига таҳрир сифатида айрим сўзлар киритилиш йўли билан байтлар маъносини тушуниш осонлаштирилган². Агар “Дахлия”нинг луғавий маъносига келсак, форс тилида «дахлдорлик, алоқадорлик ва киритиш» тушунчасини билдирувчи ушбу сўз ҳинд ва урду тиллари лексиконида ҳам кенг қўлланилган.

Модомики, шоир икки тилда ижод қилган экан, у ҳолда покистонлик олимлар зикр қилган “дахлия”нинг қайси тилдаги асарларда истифода этилганлиги ҳозирча номаълум. Шу боис “дахлия” ва унинг вужудга келиш тарихи ҳақида аниқ ва муфассал бир фикр билдиришга ҳали эрта. Фақат махсус ва кенг доирадаги изланишлар натижасигина Байрамхоннинг зуллисонайн ижодий мероси ҳамда уларга доир муаммоларни тўла-тўқис ҳал қилишга имкон беради. Қуйида эътиборга ҳавола қилинган туркий ва форсий мисралар Байрамхоннинг зуллисонайн ашъоридан намуна:

*Анда бўлган дард
Бўлғай менда лекин дарди ишқ,
Андаки ёри жафокоримда бўлғай қошки.
Байрам ул ойнинг ҳар озори ҳаётидур манга,
То тирикмен бандаи озоримда бўлғай қошки.*

ای کوی تو، کعبهٔ سعادت مارا
وی روی تو، قبلهٔ عبادت مارا
خوش آنکه، بجزبهٔ عنایت، سازی
وارسته ز قید، رسم و عادت مارا

*(Эй макони мисли каъба бу – саодат биз учун,
Рўйи рухсоридир қибла бу – ибодат биз учун.
Бу не бахт, бизни барча расми одат – қусурдан,
Халос этиш марҳаматинг бу – иноят биз учун.)*

Фориғий

Шоир девонининг туркий ва форсий шеърлари орасида ширу шакар услубида ёзилган бир неча ғазаллар учрайди. Гарчи улар етук маҳорат тушунчасига у қадар яқин бўлмаса ҳам, муаллиф ўз ғазалларида оҳанг ва ритм яхлитлигини иккала тил учун луғавий мос қофия ҳамда радиф орқали саклаб қолишга муваффақ бўлган:

*Кўрубмен то руҳи гулфом фаррух,
Бўлубтурмен асири дом фаррух.
Нисор эттим анга жону дилимни,
Сабо келтурди то пайгом фаррух.
Умидим буки то куйингда етсам,*

¹ Diwan of Bayram Khan Khanan. Edited by Husamuddin Rashid, Hasan Siddiqi. – Karachi, 1971. – P. 116–117.

² Иномходжаев Р. Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. – Т.: Фан, 1993. – С. 103.



*Кўнгулда йиғладим эҳром фаррух.
Тани фарсуда аз сар то қадам сўхт,
Зи дасти ваъдаҳойи хом фаррух.
Агар чун Форигий тавфиқ ёбам,
Манушам бодаро дар жом фаррух.*

Ёки:

*Мунча жонимга қилмагин бедод,
Шод кўнглумни ҳар замон ношод.
Беҳад васлинг қошида, эй дилбар,
Ҳажр иликидин айлайин фарёд.
Дар роҳи ишқ, эй парий пайкар,
Хонумон рафт оқибат барбод,
Чун бад бинам суйи мулкати ишқ,
Ҳаст дар мулки ишқ ҳусун устод.
Гар етишсам висолингга қилайин,
Форигий ҳажр илкидин фарёд.*

Шоирнинг ҳар иккала тилда баробар ёза олиш қобилиятига қараганда, унинг ҳозирча ягона девонидаги туркий ғазаллари, ўз она тилисидаги ижодий меросидан фақат бир лавҳа холос.

Мирзо Комрон

Адибнинг туркий ашъоридан фарқли ўлароқ, унинг турли жанрлардаги форсий қаламига мансуб шеърлари, адашмасак, ҳали махсус тадқиқот доирасига киритилгани йўқ. Ушбу хулосадан фақат профессор С. Ҳасанов томонидан нашр этилган Комроннинг форсий ғазалиёти тўплами истисно. Шунинг учун биз қуйида фақат шоирнинг Рампур шаҳри Ризо кутубхонасида сақланаётган 556-инв. рақамли девонидан форсийда ёзилган фардлари-дан айрим намуналар келтирдик.

Девондаги форсий мисраларнинг ўқилиши, баъзи сўзлардаги имло хатоларни ҳисобга олмаганда, умуман равон. Шу боис матндаги мавжуд айрим имло хатолардан қуйидаги саволнинг пайдо бўлиши табиий: “Девон матни муаллиф томонидан ёзилганми ёки унинг кўзига мил тортилгандан кейин хаттот томонидан қоғозга туширилганми?”

Бу ва бу каби саволларга фақат шоир форсий ижодини илмий-тадқиқий асосда ўрганиб чиқилганидан сўнг аниқ жавоб бериш мумкин. Ҳозирча, намуна сифатида келтирилган фардларнинг бадиий савиясига келсак, улар гоҳо Комроннинг туркий ғазалларида учраб турадиган – ҳали у даражада пишиқ бўлмаган мисралари сирасига киради. Ваҳоланки, девонда, шунингдек, оригинал истифода этилган муболағалар ҳам борки, улар гўё шоирнинг бадиий жиҳатдан етук туркий ғазалларининг инъикосидек. Масалан, қуйида берилган форсий фардлардаги “булбул шавқи ноласи” ёки “ғунча тахининг хунга тўлиши” каби нафис ташбихларга қиёсан “мардумнинг афғон чекиши” ва “дил қаъридан олов пуркалиши” сингари ўхшатишларнинг параллел қўйилиши, гўё руҳиятнинг жисмоний мавжудликдан ўз устуворлигига шама қилаётгандек.

گل ز دست تو گریبان زده چاک
بی تو انداخت خود را بر خاک

(Сенинг дастингдан бу гул гирибони чок,
Вали сенсиз гул эркан ўтда куйган хок.)



ته ته غنچه ز تو غرقه خون
از درون آتش دل داده برون

*(Сени дея гунча тахи тўлди қонга,
Дил қаъридан олов пуркар тирик жонга.)*

سوى سبزه نگهت افتاده است
سبزه بر خاک ر هت افتاده است

*(Ногоҳ нигоҳ тушидию сабза юзига,
Шу чоқ бўлди йўлда хок боқмай ўзига.)*

بلبل از شوق تو نالان در باغ
مردم انداخته افغان در باغ

*(Булбул сенинг шавқинда богдадир нолон,
Мардуми шиқ бу богда чекади афгон.)*

Агар лавҳаларда келтирилган ҳинд форсийзабон адабиёти намояндалари ижодий намуналари, мажозан денгиздан бир томчи десак, муболаға бўлмас. Чунки Ҳиндистонга уюштирилган илмий сафарларда қўлёзма фондларида сақланаётган манбалар сони-ю салмоғига қараганда, хали-ҳамон уларга мутлақо қўл тегмагандек.

Дарвоқе, зуллисонан шоирлар ҳақидаги маълумотлар тўғрисида яна бир бор шуни таъкидлаш жоизки, бобурийлар даврида яшаган деярли барча назм ва наср қалам аҳли нафақат туркий ва форсий, балки араб ҳамда маҳаллий тилларда ҳам бемалол қалам сурганлар. Бунга Байрамхоннинг фарзанди Абдурахмон хони хонон ижоди ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Абдурахим хон

Маълумки, ўрта аср Ҳиндистонининг энг прогрессив ва ҳатто халқ ҳаракати даражасига кўтарилган “*бҳакти*” диний-фалсафий таълимоти поэзиясида ҳинд-мусулмон масаласининг марказий ўринлардан бирини эгаллаши, икки эътиқод ижодкорлари фаолиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатган. Бу таъсир натижасида бора-бора ҳар икки тараф фалсафий дунёқарашларида яқдиллик кайфиятининг пайдо бўлиши эса, кўпчилик мусулмон қаламкашларининг маҳаллий тилларни ўрганиш ва аста-секин уларда ижод қилишларига олиб келган.

Хусусан, “Бҳакти адабиёти”да Кабир бошлаб берган дидактик мавзулардаги анъаналар мусулмон шоирларини бефарқ қолдирмай, уларни ҳам шу руҳиятда ижод қилишга илҳомлантирган. Бинобарин, бобурийлар даври ҳинд адиблари сафида мусулмон шоирлари ҳам баракали ижод қилганлар. Жумладан, Акбар қўлида вояга етган Абдурахим хони хононнинг бражбҳашадаги сакҳийлари – фардлари ва дўҳалари – тўртликлари юқоридаги фикримиз учун ортиқча исбот талаб қилмайдиган далил:

Rahiman jivha bavri, kahigi sarag patal |
Aaru to' kahi bhitar rahi, juti khat kapal. |

*(Суяксиз тил нелар демас, жаннат ва дўзах бир қадам,
Тил танглайга тегмас экан, бошингда кулфат, минг алам.) |*

Бу жабаҳада Абдурахим, одатан жузъий ҳисобланган ҳаётий “икир-чикирлар”дан “муаммолар” келтириб чиқариш йўли билан дидактик мавзу имкон доирасини ажойиб ва ишонарли мисолларда кенгайтиришга эришган. Мисол учун, шоир бир сакҳийсида оғиздан чиққан ҳар бир сўздаги самимийлик ва унинг акси – тилёғламаликни бир-биридан ажрата билиш учун, мажозан, муомаламизнинг қарз ва фарз каломи бўлган “салом-алик” моҳиятини шеърга солган. Ва бу орқали эътиборни салом берувчи ва алик олувчининг ўз тилагига



амалда қанчалик содиқ эканлигига қаратиб, диққатни эса, унга кишининг ботини ва зоҳири қай даражада мутаносиб эканлигига жалб қилган:

Sab ko'u sabso'n karen, Ram juhar salam |
Hit anhit tab janiye, ja din atke kam ||

*(Салом-алик бобида изҳори дил мукаммал,
Иш тушганда билинар кимда сўз, кимда амал.)*

Инсоният асрлар мобайнида ўз турмуш тажрибалари асосида ҳаётнинг шундай ҳақиқатини кашф этганки, уларнинг ақалли фараз тариқасида ҳам аксини исботлаш мумкин эмас. Масалан, одамзод бошидаги кулфатларнинг аксарияти “нафс балоси” етаклаган боши берк “кўнгил кўчаси”дан бошланиб, охири кишининг суқлик балосига гирифтор бўлиши билан тугалланади. Шу маънода Абдурахимнинг эътирофича, “ризкни излаган жонзот борки, албатта ўз насибасини топади”, бироқ балои нафс бандаси учун ҳатто насиба илинжи ҳам ўз маъносини йўқотади:

Dhani Pahim jal pank ko', laghu jiya piyat aghai
Udghi braai ko'n he, jagat piyaso' jai.

*(Ризқ деган жон борки кўлмак сувда ҳам зор бўлмас,
Лек “балойи нафс” – чанқоққа денгиз суви кор қилмас.)*

Азалдан Шарқ халқлари орасида эзгу ният ёки ҳазил-мутойиба йўлидаги “ёлғон” асло гуноҳ ҳисобланмаган. Демак, қуйидаги мисраларда Раҳим назарда тутган “ёлғон” ҳам гуноҳ эмас, балки ижодкорнинг юморга мойил табиатига хос кайфиятининг бир ифодаси:

‘रहिमन’ जो रहिबो चहै, कहै वाहि के दाव ।
जो बासर को निसि कहै, तौ कचपची दिखाव ॥७६॥

*(Не деса Хожанг дегил “хўп”, кеча-кундуз “йўқ” дема,
Тун деса кунни агар осмонда юлдуз йўқ дема.)*

Қўлдаги беш бармоқнинг ҳар бири ўз жойида фойдали бўлгани каби, жамиятда ҳам ҳар бир инсон ўз ўрнида нималарга қодир эканлиги билан кадрланади. Шундай экан, шоир ҳаётда ҳар бир нарсани “катта-кичиклиги”га эмас, балки унинг зарурат тақозосига кўра нима иш бера олишига қараб баҳолашни уқтиради:

‘रहिमन’ देखि बड़ैन को, लघु न दीजिए डारि ।
जहाँ काम आवै सुई, कहा करे तरवारि ॥८२॥

*(Каттани катта дебон кечма Раҳим кичикдан,
Игна қилган ишни асло қутмагин сен қиличдан.)*

Бҳактий поэзияси шоирларининг ҳар бир давр маънавияти учун зарур бўлган бундай долзарб – дидактик мавзуга “ружу қилишлари” ва улар ижодининг халқ афоризми рухиятига яқинлиги, деярли барча адабиётлар учун хос жиҳатдир. Негаки, халқларнинг асрлар синовидан ўтган пурҳикмат сўзлари доим қалам аҳли диққат-эътиборини ўз ҳаётий ақидасига жалб қилиб келган¹.

¹ Низомиддинов Н. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. – Т., 2010. 361-б.



Маколадаги Бобурийлар даври зуллисонайн шеърятти ҳақидаги лавҳаларда келтирилган Ҳиндистон туркий ва форсийзабон адабиёти намояндалари ижодий намуналари аслида денгиздан бир томчи десак, муболаға эмас. Бизнинг бундай хулосага келишимизга “Солоржанг” фондидаги туркийзабон адабиёти мавзuidaги изланишлар вақтида учратган каталоглар мажмуи сабаб бўлди. Бордию, яна шу каталогларга Рампурдаги “Ризо”, Патнадаги “Худобахш”, Калькуттадаги “Asiatic Society – Осиё жамияти”, “Дехли миллий музейи” ва шахсий фондларга тегишли қўлёзма манбаларни қўшиб жамласак, уларнинг ададини тасаввур қилиш ҳам қийин. Айни шу нуқтаи назардан ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, Ҳиндистонда сақланаётган қўлёзма фондлардаги асарлар, мажозан, бамисоли кўзи очилмаган бир булок.

Хулоса қилиб айтганда, умуман, “иккитиллилик санъати шеърятда фақат маҳорат мактаби бўлиб қолмай, у халқлар орасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам катта маънавий аҳамиятга эга”¹.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИФ

ЛАҲАСОВ ЎРОҚВОЙ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақолада буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг ўрганилиши ва ушбу масалага нисбатан турли олимларнинг муносабатлари ёритиб берилган. Адиб асарларининг қардош ва хорижий тилларга таржима қилиниши, улардаги мавжуд нуқсонлар изоҳланган. Олим Матёқуб Қўш-жоновнинг ёзувчига берган баҳоси, романлари юзасидан билдирган илмий қарашлари шарҳланган. Абдулла Қодирийнинг халқ оғзаки ижоди далилларида моҳирона фойдаланган ҳолда оҳорий ўзбек романларини яратиб, миллий романчилик мактабига асос солганлиги баён қилинган. Ўзбек адабиёти-нинг бадиийлиги, тилимизнинг бой захира қатлами, миллатимизга хос имон-эътиқод, тўғрисиўзлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, гурур ва шиддаткорлик каби хусусиятлар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Абдулла Қодирий ижоди, қардош ва хорижий тиллар, таржима, илмий қарашлари, халқ оғзаки ижоди, оҳорий ўзбек романлари, миллий романчилик мактаби, бадиийлик, тилнинг захира қатлами, миллий ўзига хослик.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы изучения творчества выдающегося узбекского писателя Абдуллы Кадири и отношения учёных к творчеству писателя, проанализированы переводы его произведений на иностранные языки, рассмотрены ошибки, допущенные при переводе. В статье прокомментированы научные воззрения узбекского ученого М. Кушжанова, его оценка произведениям выдающегося писателя. Автором также изложена мысль о том, как писатель в своих оригинальных романах мастерски использовал элементы устного народного творчества. В статье особо подчеркнуты художественное своеобразие узбекской литературы, богатые лексические ресурсы узбекского языка, национальные особенности героев писателя, их вера, доброта и порядочность, гуманизм и патриотизм, гордость за свою родину.

¹ Ўзбек адабиёти. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1959. 75-б.